Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

2009 ЙИЛ, 9 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (11.382)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

***Кеча шаҳримиздаги муҳташам «Ўзэкспомарказ»нинг 4-павильонида 5-Халқаро саноат кўргазмаси: «Энергетика. Кимё. Машинасозлик» ва 3-Халқаро ихтисослашган «Лаборатория Экспо Ўзбекистон» кўргазмалари бошланди. Ушбу тадбирнинг ташкилотчиси — Zar Expo миллий кўргазма компанияси бўлиб, унга Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Ўзкимёсаноат» Давлат акциядорлик компанияси, Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги савдо ваколатхонаси расмий кўмак берищди.***

Кўргазмалар

## ЭКСПОЗИЦИЯЛАРДА — СОҲАНИНГ СЎНГГИ ЮТУҚЛАРИ



Айтиш керакки, кейинги йилларда давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари, хусусан, энергетика, кимё, машинасозлик саноатининг янада ривожланишида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур «INDUSTRIAL EXPO UZBEKISTAN» Халқаро кўргазмасининг нуфузи ҳам тобора ошиб бормоқда. У Ўзбекистонда саноатнинг энг катта йўналишларини бирлаштирувчи ягона кўргазма бўлиб, ўзининг долзарблиги, талаб-эҳтиёж мавжудлиги билан муҳим ҳисобланади.

Юртимизда йилдан йилга электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни ишга тушириш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Энергетика тизимини модернизация қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида хорижий инвестициялар жалб этиш режавий бажарилмоқда — энергияни тежаш, ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, энергия ишлаб чиқаришга энг янги, замонавий технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергетикани ривожлантириш ва соҳада халқаро ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида кенг қамровли ишлар қилинмоқда. Кўргазмага ташриф буюрувчилар экспозицияларда энергетика бўлими, кимё бўлимида (нефть-кимё ва газ мажмуалари учун техника ва технологиялар, пластмасса, полимер, резина, каучук; қурилиш кимёси, емирилишдан ҳимоя; кундалик эҳтиёжлар учун кимё маҳсулотлари; агрокимё; саноат хавфсизлиги ва экология; техник мақсадлар учун замонавий материаллар; кимё ва биотехнологиялар стендлари эътиборга лойиқ) қизиқарли маълумотларга эга бўлишмоқда.



Бу ерда маҳаллий «ELUS» илмий ишлаб чиқариш корхонаси; «TASHKENT –Trans-Energo» ишлаб чиқариш савдо корхонаси каби ҳамда хорижий, МДҲ давлатларидан ташриф буюрган компания, ташкилот, корхоналар замонавий технологиялари, техника ва материалларини намойиш этишмоқда.

Жумладан, машинасозлик бўлими ҳамда «Лаборатория (аналитика ва биоаналитика бўлимларидан иборат) — экспо Ўзбекистон 2009 кўргазмаси маҳсулотлари кўламининг кенглиги кўргазмага келувчиларда катта қизиқиш туғдирмоқда. Кўргазмалар доирасида қатнашчилар: ушбу тармоқларнинг етакчи мутахассислари, қизиқувчиларга саноатнинг мазкур тизимлари, уларнинг ривожланиш истиқболлари, соҳада мавжуд масалаларнинг энг самарали ечимлари борасида тўлиқ маълумот тақдим этишларига етарлича шароит яратилганлиги эътиборга лойиқдир.

**Муҳаббат ХАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмалардан лавҳалар**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

БУГУН — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

***Марказий офицерлар саройида «Соҳибқирон Амир Темур — буюк саркарда ва давлат арбоби» мавзуида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбек Миллий академик драма театри, Халқаро Амир Темур жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда олимлар, талаба-ёшлар, ҳарбий билим юртлари курсантлари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси Муҳаммад Али, тарих фанлари доктори Ҳамидулло Дадабоев ва бошқалар мам-

## СОҲИБҚИРОН ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАНДИ

лакатимизда тарихимизни холисона ўрганиш, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти, маънавий меросини асраб-авайлаш ва ёш авлодни миллий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Амир Темур ва темурийлар даврида барпо этилган тарихий обидалар, амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Соҳибқироннинг буюк иқтидор ва салоҳият соҳиби эканидан далолат беради. Ўз ҳарбий концепциясини яратган бобокалонимизнинг ҳарбий санъати айни кунда ҳам дунёдаги кўплаб олий ҳарбий билим юртларида ўқиб-ўрганилмоқда.

Тадбирда Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид саҳна кўринишлари намойиш этилди. Қуролли Кучлар марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаларининг чиқишлари кечага янада файз бағишлади.

**Х.САЛИМОВ, ЎзА мухбири**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида Навоий вилоятига «Саломатлик» поезди юборилди. 14 нафар малакали шифокорлардан иборат махсус гуруҳ бир ҳафта давомида вилоятнинг энг чекка ҳудудлари ва овулларда яшовчи аҳолини тиббий кўрикдан ўтказади. Унда ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам—боқувчисини йўқотган оилалар, ёлғиз қариялар ва ногиронларга алоҳида эътибор қаратилади.**

**● Нукусда «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар марказининг «Биз бир жамоамиз» тадбири уюшқоқлик билан ўтказилди. Тошкент шаҳри ва вилоятлардан ташриф буюрган меҳмонлар иштирокидаги мазкур тадбир давомида «Ахборот технологиялари», «Чет тилларни ўрганиш усуллари» ва «Иқтисодий ва ижтимоий билимларни ошириш» мавзуларида семинарлар ташкил этилди.**

**● Шу йилнинг 10-12 апрель кунлари Термиздаги «Алпомиш» ўйингоҳида кураш бўйича Ўзбекистон Президенти соврини учун Ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир бўлиб ўтади. Тўққизинчи маротаба ўтказилаётган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг 40 га яқин давлатидан келган кураш усталари гиламга чиқади.**

**● Қаршидаги «Ўзликни англаш маркази»да Халқаро Амир Темур жамғармаси ташаббуси билан улуғ саркарда ва давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.**

**● Навоий Давлат педагогика институтида тарихчи олимлар, археологлар, жамоатчилик вакиллари, ўқитувчи ва талаба ёшлар иштирокида буюк Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланган илмий-амалий конференция ўтказилди.**

**● Одам савдосига қарши кураш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Андижон ва Бухоро вилоятлари ҳудудий идоралараро комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.**

**● Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида «Ургут-Латекс-Пасаргат» қўшма корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Эронлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур корхонада замонавий технологиялар асосида бир йилда 60 тонна қурилиш елими ишлаб чиқарилади.**

### ЖАҲОНДА

**● Кеча «Союз ТМА-13» космик кемаси 18-Халқаро космик станцияси экипажи аъзолари Юрий Лончаков, Майкл Финк ҳамда космик сайёҳ Чарльз Симонини Ерга муваффақиятли тарзда олиб тушди. Коинотда узоқ муддат бўлган фазогирлар ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар.**

**● Япониянинг Токио шаҳридаги метро бекатларида 75 минг йўловчи уч соат мобайнида қолиб кетди. Гап шундаки, «Токио Тикатцу» номли марказий метро бекати ходимларидан бирининг ўзи билмаган ҳолда марказий метро бошқарувига уланган йўлчироқнинг қизил чироғини ёқиб қўйиши натижасида поездлар ҳаракати тўхтади. Фақат уч соатдан кейингина юзага келган вазият сабаблари аниқланиб, йўл қўйилган хато тузатилди.**

**● Махсус трибунал инсон ҳуқуқларини бузганликда айбдор деб топилган Перунинг собиқ президенти Алберто Фухиморини 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ноябрида 70 ёшга кирган Фухимори 1990-2000-йилларда мамлакат президенти бўлган. 1990 йилларнинг бошларида мамлакатдаги сўл инқилобий ҳаракатларни бостириш учун шавфқатсиз чораларни қўллаган — концентрацион лагерлар ва ёпиқ ҳарбий судлардан фойдаланган.**

**● Сўнгги маълумотларга қараганда Италиянинг марказий қисмида рўй берган кучли зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 272 нафарга етди. Уй-жойлари бутунлай вайрон бўлиб кўчада қолган аҳоли сони эса 20 минг кишидан иборатдир.**

**● Филиппин пойтахти Манила шаҳри яқинидаги маҳсулотларни қадоқловчи корхоналардан бирида кучли портлаш рўй берганлиги оқибатида 12 нафар ходим ҳалок бўлган. Айни пайтда воқеа сабаблари ўрганилмоқда.**

**● Москвадаги Внуково аэропортига Ёқутистон авиакомпаниясининг «Боинг-757» русумли йўловчи самолёти авария ҳолатида қўнишни амалга оширди. Қўниш натижасида йўловчилардан бирортаси ҳам жабрланмаган.**

**● Римда ўтказилган махсус матбуот анжумани пайтида буюк рассом Леонардо да Винчининг шу пайтгача маълум бўлмаган портрети намойиш этилди. Матбуот анжуманида таъкидланишича, санъат мухлислари ушбу санъат асарини жорий йилнинг 7 апрелидан 21 августига қадар Италиянинг Вальо ди Базиликата шаҳарчасидаги Луканинг қадимий халқлари тарихи музейида кўришлари мумкин.**

## ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

***Чет эл сиёсий, ҳукумат ва ижтимоий доираларида, оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби кенг шарҳланмоқда.***

Европарламент депутати, ЕПнинг ташқи ишлар масалалари бўйича қўмитаси ҳамда Марказий Осиё давлатлари билан алоқалари бўйича делегацияси аъзоси Я. Матсис (Кипр) халқаро ҳамжамият ўз тарихи давомида эҳтимол энг қалтис иқтисодий инқироз билан тўқнаш келаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг китоби билан танишиб, Европарламент Ўзбекистон ривожланишнинг оқилона дастурини ташкил этиш, иқтисодиётни, жамият ва давлатни аниқ мақсадни кўзлаб қайта қуриш йўлида глобал иқтисодий инқироз билан курашаётгани ижобий ҳолат эканлигини тасдиқлайди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз мавқеини мустаҳкамлашга асос бўладиган устувор йўналиш ва тамойиллардир.

Ўзбекистоннинг ижобий иқтисодий кўрсаткичлари унинг глобал инқироз даврида ҳам ривожланишига замин яратади. Бундай ижобий натижаларга мамлакат ҳукумати томонидан комплекс тарзда ташкил қилинган ислоҳотлар дастурининг ҳамжиҳатлик билан амалга оширилаётгани эвазига эришилмоқда.

Мен ҳозирги иқтисодий инқироз шароитида шок терапиясига тушмаслик мақсадида ўта жиддий ёндашилган тадбирлар қабул қилинганлигини кўраман. Президент Ислом Каримовнинг инқирозга қарши туриш учун банк тизими ва барча инфратузилмаларида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш, рақобатдошликни ошириш, даромад, хорижий инвестициялар ва валюта тушумини кўпайтириш борасида тузилмавий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда, янги иш ўринлари ташкил қилиш, иқтисодиётни тиклаш ва турмуш даражасини кўтариш ҳам муҳим эканлиги ҳақидаги фикрига қўшиламан.

Президент асари Ўзбекистон хорижий инвестициялар жалб қилиниши ва бу соҳада яхши натижаларга эришишга аҳамият беришини очиқ намоён этади. Иқтисодиётга маблағ ажратиш орқали инқирозга сиёсий ва иқтисодий таъсир етказишда олиб борилаётган тўғри изланишлар, шу билан бирга унинг барқарор ҳолатини қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон муваффақиятга эришмоқда. Иқтисодиётни тиклаш иқтисодий ва сиёсий таълимот ҳисобланади. Иқтисоднинг тикланиши – бу сиёсий маданият.

Ўзбекистон ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий жиҳатдан мазкур мураккаб иқтисодий аҳволни мустақил тарзда енгиб ўтиши ва глобаллашув шароитида Европа Иттифоқининг ишончли ҳамкори бўлиши мумкин. Бундай ҳамкорлик умумий манфаатлар ва ўзаро ҳурматга асосланиши лозим.

Италия меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий сиёсат вазирлиги иккитомонлама келишувлар бошқармаси директори П. Малара Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўз китобида жаҳон молиявий инқирозини чуқур таҳлил қилгани ва узоқни кўзланган хулосалар чиқарганини қайд этди. Хусусан, китобнинг биринчи қисмида чиқарилган муҳим хулоса шуки, бугунги кунгача дахлсиз деб ҳисобланган жаҳон эркин бозори тизими шундай босқичига етиб келди – энди орқага йўл йўқ – иқтисодий-молиявий ва пул сиёсати бутунлай қайта кўриб чиқилиши керак.

«Молия муаммоси»ни батафсил таҳлил қилиш ва Ўзбекистон томонидан қабул қилинган чора-тадбирлар банк тизимини ҳимоя қилиш, кучли давлат ҳимояси билан марказий бошқарувдан молия бозорига ўтиш, хорижий инвестицеялар жалб қилиш орқали кафолатланган кридетлар алоҳида эътиборга молик. Бу, менинг фикримча, инқирознинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирини кескин камайтиришда муҳим роль ўйнади.

Жаҳон ҳамжамиятидан фарқли ўлароқ, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг барқарор ўсиши, инвестициялар миқдори, аҳолининг йиллик даромади, саноат маҳсулотлари, турли хизмат кўрсатиш ва ресурсларнинг аҳоли ўртасида тенг бўлинганлиги қайд этилади.

Оқилона ва изчил олиб борилаётган сиёсат туфайли аҳоли бандлиги бўйича сезиларли ютуқларга эришилганлигини таъкидлашни истардим. Аҳолининг ночор қатламларини ҳимоя қилиш борасидаги ишлар ҳам эътиборга молик. Бир қатор муҳим халқаро агентликлар томонидан тан олинган мустаҳкам банк тизими фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Президентининг банк тизими мамлакатда мавжуд кредит институтларини таъминлай олиши ва жамғариладиган маблағларни ошириш ва инвестицион лойиҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиши зарурлиги тўғрисидаги фикрларини қўллаб-қувватлайман.

Албатта, Ўзбекистоннинг ҳам инқирознинг салбий таъсиридан четда қолиши қийин. Шу маънода мен Президент Ислом Каримовнинг тегишли эркин бозор моделини, мамлакатда барқарорлашган иқтисодий омилларни назорат қилишга ижозат берилганлиги ва бундан кейин ҳам ижозат берилиши борасидаги нуқтаи назарига қўшиламан.

Экспортни ривожлантириш сиёсати ва ички талабни бир қатор технологик ривожланишлар билан қўллаб-қувватлаш, электр ва энергияни тежаш мамлакатда янгича мақбул иқтисодий ҳолатни юзага келтирди.

***(Давоми 2-бетда).***

## БУГУН — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон халқ ёзувчиси,**
**Давлат мукофоти лауреати**

# СОҲИБҚИРОН ФУРОТ СОҲИЛЛАРИДА

### Тарихий ҳикоя



Бир замонлар Халифа ал-Мансур бунёд қилиб, "Мадинат ас-салом" – Тинчлик шаҳри деб номласа ҳам Бағдод мудом низо-ю жанжаллар, иддаолар, ўзаро қирғинбарот урушлар, бесаранжомликлар макони бўлиб келади. Соҳибқирон биринчи бор ташриф буюриши эса-да, ушбу узукка қўйилган кўздай Дажла соҳилига бежиримгина ярашиб тушган қадимий пойтахт, хусусан, Аббосийлар саройи, Зубайда мақбараси, муҳташам жоме масжидлари ҳақида эшитган, баъзан дарёнинг баҳорларда тошадиган одати борлигини ҳам биларди.

— Ана Бағдод, улуғвор шаҳар!.. – деб юборди Амир Темур баланд адирлик тепасига чиққанларида. Олдинда шукуҳли манзара касб этган Бағдод ястаниб ётарди. Чекка-чеккаларда қачонлардир Ҳулогухон қўшинлари томонидан вайронага айлантирилган бинолар ҳам кўзга ташланарди.

Адолатли ҳукмдор Ҳорун ар-Рашид ҳукмронлик қилган, Чингизхондай ҳоқоннинг оёғи етмаган заминда турганидан Амир Темур аллақандай мажҳул туйғулар оғушига чўмди. Афсуски, шаҳар томошаси-ю қадамжолар зиёратига фурсат кам... У Султон Аҳмад жалойирни тутиш ишлари билан шахсан ўзи шуғулланишга бел боғлади. Қайсар ҳукмдор албатта жиловлаб қўйилиши керак! Яхши гапга кўнмаса, ёмонини топиш қийин эмаслигини билиб қўйиши зарур.

Улкан қўшинни одатдагидек ташқарида хотиржаму саранжом қилиб, хос лашкар билан шаҳарга кирган Амир Темур даставвал Имоми Аъзам Абу Ҳанифа мозорини тавоф этишга йўналди. Қирқ йил мобайнида хуфтон таҳорати билан бомдод намозини ўқиган, эллик беш марта ҳажга борган улуғ имомнинг аянчли қисматини яхши биларди. Ҳали Самарқанддалик вақтидаёқ ўйлаган ниятини амалга оширишга буюрди – табаррук қадамжой ёнидаги хонақоҳда бир жонлиқ сўйиб фақиру мискинлар, етим-есирларга ис чиқарди, соҳибқирон қуръон тиловат қилди.

Қайтар экан, катта майдондан чиқиб қолди. Шаҳарнинг машҳур Хон Маржон карвонсаройи олдидаги сайхонлик игна ташланса ерга тушмайдиган даражада одамга тўлиб кетган, денгиз мисоли тўлқинланарди. Оломонни кўрсатиб: "Булар кимлар? Жалойирнинг одамларими?.." деб сўрамоқчийди, шу палла эгнига елвагай оқ ҳирқа ташлаган, мисоли дока салласи шолғомдай силлиқ ўралган сипо бир киши оломондан чиқиб яқинлаша бошлади. Мулозимлардан тўрт киши – Мубашшир баҳодир йигитлари унинг кимлиги, нима мақсадда келаётгани билан қизиқдилар. Ташрифга ижозат берилди. Мулозим кирди:

— Худонинг ожиз бандаси Низомиддин Шомий... Муаррихдур...

— Чорлангиз!

Низомиддин Шомий қирқ беш ёшлар чамасидаги, нозиккина мўйлаби бор, чўққи соқоли калта қирқилган истараси иссиқ одам эди, у от устида турган соҳибқиронга ўн беш қадамча қолганда эгилиб таъзим этди, сўнг йўрға юриш қилиб соҳибқирон отига яқинлашди, узангига лаб қўйиб, Амир Темур тўни пешини ўпди. Бағдод халқи Турон султони Амир Темурнинг фозилу фузалолар, шайху муллолар, соҳиби илм алломаларга ҳурмати баландлиги ҳақида эшитишганди. Бир неча йилдан бери шу ерда яшаётган аллома Низомиддин Шомийдан ҳумоюн ўрдуга шаҳар халқи вакили бўлиб боришини, авомуннос элнинг Султон Аҳмад жалойирга сира алоқаси йўқлигини батафсил тушунтиришини ва энг муҳими, қирғинбаротга учрамайлик, афв айласунлар, соҳибқирон ҳазратлари кўнгилларини ҳар хил шубҳа-гумонлардан фориғ тутсунлар, сўраб бер, деб ўтиндилар.

— Амир соҳибқирон! – Низомиддин Шомийнинг найга ўхшаш майин ёқимли овози, ҳаяжонданми бир оз титраб эшитилди. – Шаҳар дарвозасидан Дажлага назар солдим, юзиб ўтаётган чақиндай тез аскарларни, бу дарёмидур ёки саҳромидур, дея фарқлай олмай яқомни тутдум! Ҳайратим ҳаддин ошиб дедимки, бу шижоат соҳиблари шахту шиддатда Рустами достондан ўтадурлар, баҳодирлигу жавонмардликда ўзга халқларга устодликка муносибдурлар! Бас, алар Оллоҳ таолонинг ўзи қўллаган Амир соҳибқирон бургутлари эканлигига иймон келтирдим!

Завқ билан айтилган бу сўзлардан Амир Темурнинг кўнгли сув ичгандай бўлди.

— Оллоҳ таоло мартабангни бундан ҳам баланд қилсунки, — деди чеҳраси ёришган Амир Темур. У арзи ҳол ёки узрхоҳлик сўраган ҳар қандай одамни дарҳол, миннатсиз қабул этарди. — Қандай манглайи ёруғ киши экандурсенки, шаҳардан энг аввал йўлимга пок ният билан чиқиб турубдурсен... Сен ёмон одамлардан йироқдурсен. Палос ўпиш русумини ўринлатиб қўйдинг... Яхшиликни ўйлағонинг шундан аёндур...

Орқадаги амирлару баҳодирлар соҳибқироннинг ҳиммат қопқолари очилишга мойил эканлигидан енгил тортдилар.

Чиндан ҳам:

— Тила тилагингни! – деган олийшон сўзлар янгради.

— Оллоҳга шукрки, пойингизни ўпмак шарафига етишдум... Жумла жаҳон шон-шуҳратингизу довруғингиздан нурларга чўмилғонда каминаи камтаринга дийдорлашиш насиб этғонига беадад шукур... Барча иш ўз вақти соатида, дейдилар. Мана бу халойиқ, Бағдод аҳли ҳазратларини деб қўлларини дуога кўтармишлар... – майдонни тўлдирган одамларга қараб қўйди Низомиддин Шомий. — Музаффарийлар додини берғонингиз барчани хушнуд айлади. Ноинсоф ҳокимлар, инсон қонини она сутидек ичадурғон золимлардан эл озурда... Ҳимматларини дариғ тутмасалар, Султон Аҳмад жалойирдан азиятлар чеккан бу бандаларга омонликни раво кўрсалар, деб ўтинадурмиз... Ушбу гуноҳкор бечораларнинг ёзуқлари устидан афв чизиғини тортсунлар деб...

Аллома сўзларидаги қандайдир сеҳр, жозибадан Амир Темур у билан суҳбат қуриб, атроф музофот, кечмишу келажак борасида кўп нарсаларни билиб олиши мумкинлигини фаҳмлади, аммо буни кейинги кунларга қолдирди. Ҳозир ашаддий душманни қўлдан чиқармаслиги лозим.

— Бағдод аҳли жалойирдан озор чекканму?..

Соҳибқирон одамларга синчков назар ташлади. Ҳеч ким бирон нарса дейишга ботинмади, барча боши эгилган ҳолда таъзимда эди. "Сукут розилик аломатидур", деб ўйлади Амир Темур ва буюрди:

— Бағдод халқига омонлик берилсун! Аммо шаҳар аҳли омон молидан[1] озод этилмайдур!

Ғалоғовурда кимдир дуо қилар, майдоннинг ҳар бурчагидан "Тўлаймиз!", "Тўлаймиз!" деган садолар эшитилар, биров қичқирар, кимдир йиғлар, бари одамларнинг мамнунлигидан далолат берарди.

Соҳибқирон чап қўлидаги узукка қаради: узук ярқ-ярқ товланиб турарди.

Амир Темур Султон Аҳмад жалойирни қувиш учун Дажлага от солди. Узоқдан қараган одам чумолидай уймалашган нўёнлару амирлар, баҳодирлар, аскарларнинг ўзларини бирин-кетин дарёга отганларини кўрарди. Дарёни ажабтовур махлуқларга ўхшаб сузиб бораётган отлиқлар босиб кетди.

Нариги соҳилга чиқишлари биланоқ кичик тепаликда машварат чақирилди. Умаршайх Мирзо, Мироншоҳ Мирзо билан Амир Сулаймоншоҳлар даврага кўрку безак бағишладилар. Амир Шоҳмалик, Айбож ўғлон, Шайх Нуриддинлар ва бошқа амирлар чап томондан жой олдилар. Ҳамма соҳибқирон ўтирган олтин ўмилдириқлари офтобда ялтираган, ҳали пуштанидан сув томчилаётган тулпор томонга тикилди...

Ахий Жаббор баҳодир қисқа вақт кечган бу машварат тафсилотини Айбож ўғлондан кейин эшитди, у қуйироқда лашкари ёнида тепалик томонга тикилиб турарди. Соҳибқирон, Султон Аҳмад жалойир бундан беш йил олдин ҳам қочиб қутулганди, бас, Карбало даштини оралаб тутмоққа ўзим борамен, деган қарорни маҳкам тутиб олибдилар. Бу душманни қўлдан чиқариб юборган амирлару навкарларга қаттиқ дашном эди. Барча уни бу фикридан қайтаришга уринибди. Умаршайх Мирзо билан Мироншоҳ Мирзо бошлиқ амирлару нўёнлар, баҳодирлар ялиниб-ёлвориб, ўтга кир деса ўтга, сувга кир деса сувга киришга тайёр ўғиллари, жонфидоликка шай минг-минг қуллари турганда, ўзларининг бу юмушга овора бўлишлари Турон султони шаънига номуносибдур, дейишиб, шаҳарга қайтишларини сўрабдилар.

Шу палла Бағдоддан калтабақай Усмон Аббос муҳим хабар етказибди:

— Амир соҳибқирон! Олам аҳлининг амирзодаси, салтанат дийдасининг нури Муҳаммад Султон Басрадан фармонингизни адо этиб қайтдилар! Ҳазрат Али мачитидан Халифа Усмон Қуръонини олдирибдилар, жуда катта китоб экан... Ва яна бир кўп китоблар бор...

Соҳибқироннинг қулфи дили очилиб кетибди, ҳаммага бир-бир қараб чиқибдилар-да, дебдилар: — Қутлуғ хабар яхшиликкадур. Кўксаройда мавлоно Саъдулла Тафтазонийдан Усмон разиаллоҳу анҳу Қуръони Басрада эрмиш деб эшитгон эрдик. Мавлоно улуғ китобни Ҳазрат Али масжидида ўз кўзлари бирлан кўрмишлар... Дарҳол кўнглимизда ул дурдонаи бебаҳо Кўксарой кутубхонасини безамак нияти туғилди. Халлоқи безаволга салламноки, шундай кунларга етдук... Сўзларингиз ихлос пардасига ўралғонини, садоқатингиз давлатхоҳлик туйғулари ила зийнатланғони бизга мақбулдир. Султон Аҳмад жалойирни қувиб тутишни Мироншоҳ Мирзо жанобларига тобшурдук! Умаршайх Мирзо аскарлари шимол тарафни тўсмоқ учун ён томондан йўлни кесиб чиқмоқни ухдаласунлар! Миср султони Барқуққа элчи жўнатилиб, орада ҳеч қандай ихтилофга ўрин йўқлиги, тожир аҳлига бемалол йўл очилиши таклифи билдирилсун!

Амир Темур бир оз ўйланиб, яна дебдурлар:

— Бағдодни майга мустағриқ шаҳар деб эшитғондик, афсуски шундоғ экан. Шаҳардаги жаъми хумлар бўшатилиб, майлар Дажлага оқизилсун! Байтул-латафу бобилхоналар[2] эшиклари танбалаб ташлансун! Уста-ю ҳунармандлар, меъмору мунажжимлар Самарқандга юборилсун!

Шундан сўнг барчага ўз жойига тарқалишга рухсат берилибди. Соҳибқирон мамнун шаҳарга қайтишларини билдирибдурлар. У ерда эъзозли юмуш бор — Усмон Қуръонини тавоф этиб, сўнг Самарқандга жўнатиш иши билан шахсан ўзлари шуғулланмакчи эканлар, шу сабабли шаҳзода Муҳаммад Султонни ўзларига ҳамроҳ қилибдурлар.

Машварат тугагач, Мироншоҳ Мирзо билан Айбож ўғлон лашкар олдига келишди:

— Султон Аҳмад жалойир Дамашққа йўлланибдур! — қуюқ қошларини чимирди Мироншоҳ Мирзо. — Қочиб қутулмоқчи. Амир соҳибқиронни, Турон салтанатини кўзга илмай, оёқ учида кўрсатиб, жонини сақлаб қолмоқчи! Яхши сўзга, муомала-ю муросага қулоқ солмайдиган икки наҳс кимса бор – Қора Юсуф билан Султон Аҳмад жалойир. Улар билан Амир соҳибқирон эмас, балки ўзим машғул бўлғаймен! Ҳа-ҳа!.. Ахий Жаббор баҳодир! Айбож ўғлон! Карбало дашти орқали унинг изиға тушғайсиз! Қўлға олғайсиз! Аммо бир тукига ҳам заҳмат етказмағайсиз!

Амирзода сўзларида комил ишонч, кибру ҳаво сезилиб турарди.

Ахий Жаббор баҳодир қувониб кетди. "Омадимиз чопибди! Соҳибқироннинг назарлари бизларга тушибди!.." — демоқчидай Айбож ўғлонга маъноли қараб қўйди. Бари, албатта, Мироншоҳ Мирзонинг ҳиммати, доим Ироқ ҳукмдорини ўзимиз тутамиз, дерди, соҳибқирондан ҳам ўзи тилаб олган чамаси... Бунга баҳодирнинг шубҳаси йўқ. Улуғ Амир ҳар бир жангда босиладиган қадамни пухта ўйлар, кимни қайси жангга юборишни белгилар, қалъани олишда, ё дарёдан ўтишда, ё жанг майдонида жасорат кўргизган мард аскарми, амирми, баҳодирми кўз остига олиб қўяр, сийлаш вақтида уни ёддан чиқармас, ҳамманинг олдида мақтаб кўнглини кўтарарди. Бебаҳо жонини дунёнинг омонат молига сотаётган бундай мардларни мансаби-унвонидан қатъи назар ўзининг дўсти деб биларди. Қўрқоқларни эса жуда қаттиқ оларди. Кимки жангда қўрқоқлик қилса, душман ҳайбатидан ҳайиқиб ортга чекинишни бошласа, лашкарга парокандалик солса ундайлар қаттиқ жазо оларди. У соҳибқироннинг "Тузуклар"ида қуйидаги сўзлар битиб қўйилганини валиаҳд шаҳзода Муҳаммад Султондан эшитганди: "Қайси сипоҳий, душман қаршисида қилич чопиб, яраланса, уни тақдирлаб инъом берсунлар. Борди-ю яралангандан кейин қочса, унга таҳсин ўқиб, яраланганини назарга олсунлар. Чунки у ғанимга ҳужум қилмаган тақдирда ҳам, ёв ҳамласи вақтида яралангандир, жароҳати бунинг гувоҳидир..."

Ахий Жаббор баҳодир ўз кўзи билан кўрган: Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши пайтида Кот шаҳрига етганларида ғалати воқеа рўй берди. Амир Темур лашкарга қалъани ўраган хандақни ўтину хас-хашак билан тўлдиришни тайинлади ва Кўча Малик деган амирга қўли билан ишора қилиб:

— Туш! — деб буюрди. Аммо қўрқувдан қалтираган амирнинг оёғи тортмай ортга чекинди. Буйруғининг адо этилмаганлиги соҳибқироннинг қусурига тегди:

— Бадбахт! Ўзингга-ку майли, лашкар шаънига иснод келтирдинг-ку?.. Салтанат шаънига иснод–ку бу?!..

Ҳамманинг олдида амирнинг қилмишидан изо тортган Амир Темур ғазабдан ўзини қўярга жой тополмай қолди. У ёқдан-бу ёққа юраркан, буюрди:

— Кўча Малик чўби ясоққа етказилсун! Кейин эшакнинг думига боғлаб Қизилқум саҳроси орқали Самарқандга ҳайдалсун!

Ахий Жаббор баҳодир Амир Халилнинг аянчли қисматини эслади: жанг майдонида қўрқоқлиги учун Амир Халилни соқолини қириб, аёллар кўйлагини кийдириб, юзига упа-элик суриб шаҳар айлантиришган. Кечаси шармисорликка чидай олмай ўзини харига осиб қўйган... Яна бир навкар қўрқоқлик қилгани, унинг устига ғаним аскарига ғажарчи[3] бўлгани учун, қўл-оёқлари кесилиб, сувнинг ёнида тошлоқ ерда ётқизилиб, ташналик домига ташланганди.

Шу пайт дашт томондан аввалроқ қоровулликка юборилган Учқора билан Йаналтекинларнинг шитоб от солиб келаётганлари кўринди.

— Амирзода жаноблари! Амирзода жаноблари! Ижозат берсунлар! Ижозат берсунлар! – ҳаприққанча яқинлашди Учқора, отдан тушар экан.

— Секин! Секин! Ўпкангни қўлтиқламай гапиришни ўрган! — деди Ахий Жаббор баҳодир.

— Гапирсун! Гапирсун! – қуюқ қошларини чимирганча буюрди Мироншоҳ Мирзо. Амирзода бу содда йигитларни ёқтирар, уларни гапиртиришга ишқивоз эди.

— Султон Аҳмад жалойир Дажладан шитоб ўтиб олгач, кўприкни бузиб юборишни буюрибди, амирзодам... - ҳаприқди Учқора.

— Ҳа, бузиб ташлабди, – тасдиқлади Йаналтекин ҳам. — Дарёни у ёғида катта қўшини кўриндиям!

— Аммо, черигимиздан қути учди-ёв, дастингдан кетай... Бурғу садолари янграгач, Ҳилла шаҳри томонга қараб отини бурди-ю..

— Ол-а!.. Ҳиллагамас, Дамашққа дегин! – тўғриламоқчи бўлди Учқорани Йаналтекин. – Дамашққа жўнади!

— Ҳиллага! Ҳиллага!

— Дамашққа!.. "Дамашқ-қа-а! Дамашқ-қа-а!.." деганларини ўз қулоқларим билан эшитдим-ку!

— Ҳиллага, дедимми, Ҳиллага! – гажирлиги тутди Учқоранинг.

— Вей... Э-э... Доим шундай қиласан-а, Учқора! Бир нарсани ушлаб оласан-да, қоққан қозиқдай тураверасан... Ҳеч қимирлай демайсан-а, отангни арвойи!.. – ўпкаланди Йаналтекин.

— Менам эшитдим-ку ахир, Ҳиллага қочди деб!.. Вой қайсарлигингдан кетай-а! Мана шу қулоқларим билан эшитиб турибман-ку!

Учқора, тортишиб юрма, мен ҳақман, гап тамом, дегандай тескарига қаради-да минғирлаб қўйди.

Ахий Жаббор баҳодир кулди:

— Иккингизники ҳам тўғри – Ҳилла ҳам,

Дамашқ ҳам!

— А?.. Битта йўл икки ёққа оборадиму?..

— Нима-а?.. Султон Аҳмад жалойир бир пайтда ҳам Ҳиллага қочди, ҳам Дамашққа... Шундайму?

— Каллаварамлар, ахир йўл битта-ку! Дамашққа Ҳилла орқали борадилар!

Бир оз аввал рақиблардай қаттиқ баҳслашган дўстлар энди бир-бирларига қараб қолдилар.

— Вой, дастингдан кетай! – Учқора Йаналтекиннинг кифтига бир уриб қўйди. — Аравани қуруқ опқочасан-да ўзингам!

— Ол-а! – ҳайратини билдирди Йаналтекин. –

Менми, сенми?.. Шунақа опқочасанки, қани етиб бўлса!...

Уларнинг соддаликларини кўриб лашкарда кулгу кўтарилди.

Хижолатдан чиқиш учун Учқора гапни бошқа ёққа бурди:

— Биласанму, Йанал! Ҳали Фурот дарёсига борамиз-ку. Дарё жуда ҳам кўпириб оқар эмиш. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Бирам чиройли оқар эмишки!.. Кўрган одам ўзини сувга отаркан... – гапга кавуш кийдирарди Учқора. – Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларнинг, азиз-авлиёларнинг қадамлари етган-да... Сувидан ичганлар. Эсингга соб қўйяпман холос. Қара, дегин, Фуротга чўкиб ўлганлар шаҳид бўлар эмиш... Тўппа-тўғри жаннатга тушармиш-да! Тағин қиёматда хешу ақраболаридан етмиш кишини шафоат қилиб жаннатга ҳақдор этиб қўярмиш! Қулай фурсатдан фойдаланиб қомайсанми, дастингдан кетай? Қариндош-уруғларинг ҳам жаннатга киради. Дўстимсан, жигаримсан, қайишганимдан айтаман-да... Яна қачон йўлинг тушади-ю бу ёқларга... Тушадими, йўқми...

— Ол-а! Вой, меҳрибон дўстимдан айланай-е!

Қайишганингга шукур!.. Жигарим экансан, илинасан. Илинмай кўр-чи. Шу... десанг, дегин... — бошини қашиди Йаналтекин, — ёлғиз шаҳид бўгим кемаяптида, отангни арвойи... Ёлғиз зерикиб қоламанми. Сенга ҳурматим жуда баландлигини биласан-ку... Насибангни тортиб олгим йўқ. Ке, сен бошлаб берақол... Кейин, сени биринчи шаҳид дейишади...

Тағин кулги кўтарилди...

Ахий Жаббор, етти йилдирки, белини қамишдан боғлаб Мироншоҳ Мирзо ҳукуматида хизматда. "Султониядан Самарқандга, Самарқанддан Султонияга кўп бор ўтдим, — деб ўйлади у, — аммо Ироқнинг бу томонларига, айниқса номи дунёга машҳур Карбало даштига сира ҳам йўлим тушмаган. Бир замонлар расулиллоҳнинг набиралари Ҳусайн ибн Али етмиш жангчиси билан шу ерда душман халифа Язиднинг катта лашкарига дуч келиб, шаҳидлик шаробини ичган экан. Унинг табаррук қабрини зиёрат этмоқ мен учун ҳам суннат, ҳам фарз...Савобга қоламен..."

— Йўлда бир одамдан эшитдик, Султон Аҳмад жалойир Ҳилладан ҳам ўтиб Фурот дарёсига етибди. У ерда ҳам кўприкларни сувга оқизиб юборган эмиш!.. – жиддий қўшиб қўйди яна Учқора.

Энди ҳеч ким кулмади.

Лашкар душман изидан Карбало даштига қараб йўналди.

---

*1. Эл-юртга омонлик бағишлангани учун олинадиган ўлпон.*

***2. Байтул-латаф, бобилхона** – фоҳишахона маъносида.*

***3. Ғажарчи** – йўл бошловчи.*

---

# ПРЕЗИДЕНТ КИТОБИ — ХОРИЖИЙ ЭКСПЕРТЛАР ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА

***(Давоми.Боши 1-бетда).***

Келажакка, инқироздан кейинги даврга назар солиш керак. Иқтисодиётнинг турли соҳалари, хусусан, мамлакатнинг энергетик ва транспорт соҳаларини таркибий ва технологик янгилаш бўйича 300 дан ортиқ лойиҳалар йўналтирилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши учун маблағ ҳам киритилган. Бошқача айтганда, келажак авлод учун қулай шароит яратилмоқда».

Франциянинг «Les milieus des empires» ахборот-таҳлил нашри Президент китобини шарҳлар экан, жумладан, шундай ёзади: «Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури қабул қилинди ва айни пайтда мамлакатнинг бозор иқтисоди шароитида тутган йўли мустаҳкамланди. Ҳозирги вақтда мамлакат банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўп демакдир.

Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, шунингдек, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва вазминлик билан амалга ошириш Ўзбекистон келажагини таъминлайди».

Қирғизистонда чоп этиладиган «Белый парус» газетасида эълон қилинган «Президентнинг китоби» мақоласида шундай дейилади: «Ислом Каримов асарининг моҳияти ва аҳамияти шундаки, ушбу китобда ҳар томонлама ва холисона ўрганиш асосида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида пайдо бўлган муаммоларнинг аниқ концепцияси кўринади ва амалий хулосалар берилади». Шунингдек, газетада таъкидланишича, «Юзага келаётган муаммо ва қийинчиликларга қарамай мамлакатда 2008 йилда иқтисодиётнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатиши, балки юқори суръатда, изчил ўсишини ҳам таъминлашга, комплекс чора-тадбирлар, хусусан, Инқирозга қарши чоралар дастурининг қабул қилиниши ва унинг амалиётга татбиқ этилишига эришилди».

«Ушбу дастурнинг амалга оширилиши нафақат жаҳон молиявий инқирозининг таҳдид ва хатарларига муносиб қарши туриш, унинг мамлакат иқтисодиётига салбий таъсирининг олдини олиш ҳамда инқироздан сўнг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўз мустаҳкам ўрнини эгаллаши, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва фаровонлигини янада ошириш имконини беради», — деб ёзади «Белый парус».

Исроилнинг «АШРА» давлат суғурта компанияси бошқарма бошлиғи Александ Авербух ва мазкур ташкилотнинг хавф-хатар суғуртаси бўйича таҳлилчиси Александр Крумернинг фикрларига кўра, Президент Ислом Каримов ўз асарида жаҳон молиявий инқирози юзага келишининг қатор сабаблари ва унинг мамлакат иқтисодиётига таъсирига тўхталиб ўтади. Ўзбекистонда иқтисодий таназзул бошлангунига қадар қабул қилинган чора-тадбирлар иқтисодий инқироз зарарларини камайтириш ва босқичма-босқич ривожланишнинг дастлабки шароитларини намоён этган самарали механизм ташкил этиш учун замин яратди.

Бошқа давлатлардан фарқли равишда, молиявий инқирознинг биринчи тўлқини Ўзбекистон иқтисодиётига унчалик қаттиқ таъсир қилгани йўқ. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2008 йилнинг иккинчи ярмидаёқ ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури бутунжаҳон инқирозига ўз вақтида қайтарилган жавоб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқларини модернизация қилиш ва таркибий тузилишини янгилаш Инқирозга қарши чоралар дастурининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади. Ўзбекистон ҳукуматининг солиқларни камайтириш, мамлакат Президенти томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилдан бири – иқтисодиётнинг сиёсатдан устувор бўлиши тамойилига асосан, мамлакат инфратузилмасини модернизация қилишни капиталлаштириш — мамлакатнинг инқироздан сўнг жаҳон бозорларида янада рақобатдош давлатга айланишини таъминлайди.

Инфратузилмага, қишлоқлар, ижтимоий ҳимояга ажратилаётган маблағлар мамлакат ҳаётининг ривожланиб бориши жараёнида Осиёнинг етакчи давлатларидан бири бўлиб қолишида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун, Ўзбекистон Президенти инқирозни республиканинг иқтисодий ўсишини тезлаштирадиган куч сифатида кўради.

Жаҳон инқирози Ўзбекистон банк-молия тизимига кам миқдорда таъсир этди, чунки бошқа давлатлардан ўлароқ, мамлакатда таваккалчиликка йўл қўйилмади.

"Мудис" халқаро агентлиги таҳлилчиларининг хулосасига кўра, Ўзбекистон банк тизими ижобий фаолият олиб бормоқда. Инқироз авж олаётган бир пайтда Ўзбекистон банкларининг барқарор ўсиши ва юқори инвестиция даражаси сақланиб қолинаётгани кузатилмоқда. Барча келтирилган омиллар Ўзбекистон иқтисоди инқироздан сезилмайдиган талафот кўришига замин яратади.

**«Жаҳон» АА**

---

## Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс марказида моҳир саркарда, атоқли давлат арбоби Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишлаб ўқувчилар иштирокида ўтказилган адабий кеча «Соҳибқирон ўгитлари» деб номланди.

● **КЕЧА** Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорликларида партия фаоллари ва ёшлар иштирокида уюштирилган анжуман хотин-қизларнинг маънавияти ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш масалаларига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент кимё технологиялари институтида талабалар, ўқитувчилар, темуршунос олимлар иштирокида ўтказилган анжуман моҳир саркарда, давлат арбоби Амир Темур таваллудининг 673 йиллигига бағишланди.

● **КЕЧА** Тошкент Давлат юридик институтида тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш, тугатишнинг ҳуқуқий асосларига бағишлаб ўтказилган тадбирда ҳуқуқшунослар, талабалар, ўқитувчилар иштирок этишди.

***(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).***

